

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 9 сентябрь, № 177 (4587)

Сешанба



## ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ



**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир**

Шу кунларда мамлакатимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа ёш авлод камолотини таъминлаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, баркамол воёга етишлари учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Мазкур танловда иштирок этишни хоҳловчи ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2005 йилда уч мингга яқин ёшлар қатнашган бўлса, ўтган йили иштирокчилар сафи **32** минг нафарга етди. Бу йил уларнинг сони **54** минг нафардан ошди.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан шаҳсан ўз номидан ва Тунис ҳукумати ҳамда халқи номидан Сизга сihat-саломатлик ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига тараққиёт ва раванқ тилаб билдирган энг қизгин қутловларим ҳамда эзгу истақларимни изҳор этман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари биродар халқларимизнинг икки томонлама манфаатлари йўлида янада тараққиёт топиб, ривожланиб бораверишини тилайман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,  
Тунис Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,  
1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Жанубий Африка Республикаси халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига самимий табрик ва эзгу тилақларимни йўллашдан мамнунман.

Жаноби Олийлари, мамлакатим ҳукуматининг давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиш ва хоҳиш-истагини алоҳида таъкидламоқчиман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Табо МБЕКИ,  
Жанубий Африка Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Миллий байрамнинг нишонланиши Сиз, Жаноби Олийлари орқали ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб эзгу истақларимни йўллаш имконини берганидан мамнунман.

АЛЬБЕРТ II,  
Бельгияликлар қироли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига Баҳрайн халқи ва шаҳсан ўз номидан самимий табрик ва эзгу тилақларимни йўллашдан гоът мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чуқур ҳурматимни изҳор этган ҳолда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда мамлакатингиз халқига янада тараққиёт ва раванқ тилайман.

Ҳамад бин Исо Ол ХАЛИФА,  
Баҳрайн Подшоҳи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари,  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Босния ва Герцеговина Президиуми ҳамда шаҳсан ўз номидан гоът самимий қутловларимни изҳор этман.

Мамлакатингиз ва халқингизга раванқ, Сизга эса, Президент Жаноби Олийлари — мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаб қоламан.

Мухтарам Президент Жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар истиқболда ҳам иккала мамлакатда фойдали бarcha соҳаларда ўзаро манфаатли асосда ривожланиб бораверишига қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоът юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этман.

Доктор Харис СИЛАЙДЖИЧ,  
Босния ва Герцеговина Президиуми Раиси.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини янада тақомиллаштиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

### ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Мазкур қўмита раиси А. Мўминов бошқарган тадбирда соҳанинг етакчи мутахассислари, экспертлар, амалиётчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б. Алимов ва бошқаралар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ноширлик соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ноширлик фаолиятини демократик андозалар асосида йўлга қўйиш, мустақил нашриётлар ишини ташкил этишни ҳуқуқий асосларини кучайтириш, аҳолининг ноширлик маҳсулотларига бўлган эҳтибини янада тўла-роқ қондириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақомиллаштириш масалалари баҳоти тингланди. Қўмита томонидан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги амалдаги қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил ҳужжатлари шунинг қўрсатидаки, юртимизда давом этаётган ислоҳотлар, янгилаш-ишловчи демократлаштурувчи ноширлик фаолиятига оид қонунчиликни янада тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини ана шу талаб ва эҳтиёллардан келиб чиққан ҳолда янада тақомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,  
Ў.А. МУХБИРИ.

## ЯШНАЁТГАН МУҚАДДАС ЗАМИН



Ҳамкасбларим тақлифи билан воҳа бўйлаб саёҳатимизни Қорадарё соҳилидаги Каттакўрғон шаҳридан бошладик. Шаҳарга кираравришдаги янги кўнадан ўтар эканмиз, икки тарафда бирин-кетин қад ростлаган қўшқаватли, қиштин бинолар савлат тўкиб турганига кўзимиз тушди.

— Бу иморатларни фермерлар, деҳқонлар, ишчи-хизматчилар қуришяпти, — дейди ҳамроҳимиз Амрило Аҳмедов. — Бунёдкорлик — яшилликлар

Зарафшон водийсини «Мамлакатимизнинг олтин манзилли», деб аташади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг қоқ марказидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. У қаердан оқиб ўтса, ўша ердан барака, тўкин-сочинлик аримайди. Сувида ичганлар асло кам бўлмайди, тоелари бутун, жисмлари бақувват, руҳлари куч-қудрат топади.

Ана шу олтин сочувчи, муқаддас дарёнинг икки қирғоғида улкан салоҳияти билан жаҳонни мафтун этиб келаятган, Юртбошимиз ва халқимиз иродаси тўғрисида порлаган Истиклол кўёши нурлари остида қаддини кўтарган, муазам мамлакатимизнинг эртанги кўнига, тараққиётга муносиб ҳисса қўшаётган жуда ҳам камтар, саховатли, олижаноб самарқандликлар яшашиди.

хор» маҳалласи оқсоқоли Тоштемур ака Қудратовни суҳбатга тортдим. Оқсоқолнинг гайратидан олов чакнайди:

— 45 йил ўқитувчилик қилдим. Ёшим 72 да. Қарийб 8 йилдан бери маҳалла раисиман. Маҳалламизда 3554 нафар аҳоли, 691 хонадон бор. Аҳолимиз кўп миллатли. Маҳалла идораси ҳовлисида касаначиликни йўлга қўйганмиз. Худудимизда иккита тўйхона, ярим гектарга яқин

боғимиз, футбол майдончаси мавжуд. Шаҳро Абдиева бошчилигидаги зардўзлик цехимизда етти нафар қизимиз миллий либосларимизни тикишади. Ёш келин-куёвларимиз кўй либосларига шу ерга келиб бюрмат беришади.

Хайрлашаётганимизда, оқсоқол алоҳида таъкидлаб, шундай деди:

### Водийларни яёв кезганда

рамзи. Турмушимиз фаровонлашиб бораёпти. Бинобарин, бу йил тумандам, шаҳардаям даромад чакки бўлмади.

Бир маҳаллар Каттакўрғоннинг ички кўчаларидан ўтсангиз, дилингиз хижил тортарди. Энди эса аксарият кўчаларга асфальт ётқизилган, бошқаларида қудратли техникалар сурон солиб ишлаяпти. Шаҳар марказидан ўтаётганимизда, янги замонавий дех-

қон бозори қурилишига кўзимиз тушди. Бозор ўзига хос мезморий ечимга эга. Шундоқ бозорнинг рўпарасида бутун минтақада машҳур боғ жойлашган. Қувонарлиси, боғ тўла бола, аттракционлар ишлаб турибди. Анчагина орас-та, чор-атроф озода.

Боғда уч-тўрт оқсоқолни эргаштириб, хар бир дарахта эътибор бериб юрган "Навба-

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида "Янги Солиқ кодексининг амалиётда қўлланилишининг айрим масалалари" мавзусига бағишланган идоралараро семинар бўлиб ўтди.

### Янги Солиқ кодекси: ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Унда жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган ушбу Кодекс мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир муҳим босқич эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўтган саккиз ой давомида ҳўжалик судлари томонидан солиқ қонунчилигини қўллаш бўйича 2,5 триллион сўмлик, яъни 80 мингдан ортиқ давво аризалари кўриб чиқилиб ҳал этилган, унинг 2,4 триллион сўмлиги солиқ қарзларини ундиришга оид низоларни ташкил қилгани шундан далолат беради. Бундан ташқари, шу даврда республика бюджетига 22 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда давлат божи ундириш тўғрисида қарорлар қабул қилинганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, семинарда янги Солиқ кодекси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг солиқ юсуни камайтиришга хизмат қилаётгани таъ-

Ташкент вилоятидаги енгил санаят корхоналари сони яқинда яна биттага кўпайди.

### Корхона ишга тушди

Кўйи Чирчқ туманида, асосан, трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Daeshin Megateks" фабрикаси фойдаланишга топширилди. Жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳам-

корликда барпо этилган корхона хориждан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Абдунаби ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Ёш оилалар уйли бўлди

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳридаги 48 хонадонга мўлжалланган "Ёшлар уйи"ни топшириш байрамга айланиб кетди.

Ёшлар йилида қисқа фурсатларда қад ростлаган ушбу тураржой қурилишига "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан маблағ ажратилди. Объектни "Сирдарё ИЭС қурилиш" шўъба корхонаси амалга оширди. Бино қурилишига қарийб икки миллиард сўм маблағ сарфланди.

Облоқул АШУРҚУЛОВ,  
Ширин шаҳри

Оралбўйи минтақасида яшовчи аҳолини, хусусан, боқувчисини йўқотган ва ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва талабаларнинг маншый шароитини янада яхшилаш мақсадида "Экосан" халқаро ташкилоти "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ҳамкорлигида "Саломатлик поезди" лойиҳасини давом эттирмоқда.

### «Саломатлик поезди» — Хоразмда

Навбатдаги ана шундай поезд Хоразм вилоятига юборилди.

Кузатиш маросимида маълум қилинишича, унга кийим-кечалар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак гилофлар, матрашлар ҳамда санитария-гигиена воситаларидан иборат 60 миллион сўмлик ин-

сонпарварлик юклари жойланган. Ушбу буюмлар, Инсонпарварлик ёрдамларини тақсимлаш вилоят комиссияси тавсиясига кўра, кам таъминланган оилалар ва бир қатор ижтимоий соҳа объектларига топширилди.

Раҳмон САИДОВ.

## ЧОРВАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

2008 йилнинг биринчи ярми давомида республикаимизда ташкил этилган "Кимовши" савдоси шохобчалари орқали аҳолига

10406 бош эгдор қорамол сотилди.

Шаҳсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидан чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини ижро этиш бўйича жойларда фаол иш олиб борилгани тўғрисида шундай ижобий натижага эришилди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар


Бир рақам шарҳи



ЖАҲОН 24 соат ичида

Очиқ самодан — эфирга

Хитойда тайконавтниги очиқ самога чиқиши биринчи марта тўғридан-тўғри эфирга узатилади.



Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Мавлутда келтирилишича, яқин кунларда парвоз қиладиган «Шэньжоу VII» космик кемасининг экипажи икки кишидан иборат бўлади.

У Ганьсу музофотидаги Цзюцюань полигонидан кўкка кўтарилади.

Эслатиб ўтамиз, хитойлик тайконавтларнинг 2003 ва 2005 йилларда самога қилган саёҳатлари муваффақиятли аяқланган.

Сув балосидан асрасин

Буюк Британияда юз берган сув тошқини мамлакат иқтисодига жиддий зарар етказибгина қолмай, саккиз нафар кишининг ҳаётига ҳам зомин бўлди.

«The Times»нинг хабар беришича, табиий офатдан Англия ва Уэльс мамлакатлари жиддий талафот кўрган.

Юзлаб оилалар хавфсиз жойларга кўчирилган.

Об-ҳавони кузатиш маркази ходимлари яқин кунлар ичида сув тошқини Шотландияда ҳам юз бериши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришган.

Софияда портлаш

Болгария пойтахти София шаҳрида иккита портлаш содир этилди.

Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги хабар берди.

Унда келтирилишича, хунрезликлар шаҳарда жойлашган қаҳархоналарда амалга оширилган.

Тўрт киши турли даражада тан жароҳати олган ва касалхонага жойлаштирилган.

Портлашлар ким томонидан ва қандай мақсадда уюштирилгани тўғрисида маълумотлар йўқ.

Воқеа жойида полиция текшириш ишларини олиб бормоқда.

Интернет устидан назорат

Таиланд ахборот-коммуникация технологиялари вазирлиги мамлакатда фаолият юритаётган 400 та интернет сайтнинг ёпилишини маълум қилган.

«The Guardian»нинг ёзишича, сўнгги вақтларда мазкур сайтларда мамлакат хавфсизлигига раҳна солувчи кўплаб материаллар жойлаштирилган.

Епилаётган сайтларнинг 344 тасида Қирол оиласи ҳақида танқидий чиқишларга эрк бериб юборилганлиги айтилмоқда.

Айни пайтда мамлакатда интернет устидан жиддий назорат ўрнатилган.

Шунингдек, вазирлик яна 1200 та сайт Таиланд қонунчилиги меъёрларига аамал қилмай фаолият кўрсатаётганини аниқлаган.

Вазият шундай давом этса, улар фаолиятига чек қўйилиши тўғрисида огоҳлантирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

Маҳалла азалдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоги, миллий урф-одатлар ва анъаналар маскани бўлиб келган.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти турмушимизнинг тарихий қисмига айланди.

Маҳалла эътибор ҳар томонлама ошди.

Уларнинг иш усули тақомиллашиб, фаолиятида ёшу қари мунтазам фаол қатнашиб келмоқда.

Барча қулайликларга эга гузарлар, машини хизмат кўрсатиш шохбачалари барпо этилди.

Бундай ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ҳар бир киши учун қадрият маскан.

Президентимизнинг яқинда ўқувчилар кўлига етиб борган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида маҳалла бошқаруви, унинг маънавий-маърифий шакллантиришдаги ўзига хос ўрни ва мавқеа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган.

«Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу нобўвусли қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки қилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас.

Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақли ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз», дейилади асарда.

Ҳар бир хонадонга кириб, оиланинг қувончлари ва ташвишларига шерик бўлиш, адашганларни тўғри йўлга солиш, ёрдамга муҳтожларга моддий қўмақлаштириш бугун, айнан Истиқлол йиллари яқини аёнлаштиради.

Биргина мисол. Хоразм вилоятида 675 та маҳаллада йил бошидан бери вилоятдаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яққа-ёлғиз қарияларга 34 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган оилаларга 21 та қорамол туҳфа этилди. 4 нафар талабанинг ўқишига қўмақлаштириш мақсадида 1 млн. 568 минг сўм шартнома пули тўлаб берилди.

Қолевера, 500 та камҳарж оила хонадонини, қариялар уйи бепул таъмирланди.

4 нафар ёшнинг никоҳ тўйларини ҳрмийлик асосида ўтказилди.

Буллар ҳали ҳаммаси эмас.

Умуман, биз бу рақамларни бежиз келтириб ўтмадик.

Зотан, ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг орақсидида маҳалласи, суяниги турибди, деганимиз бу.

Хоразм маҳаллаларида ёшлар масалалари барча тадбир уюштурувчиларнинг бош мавзуси.

Зотан, уларга яқин таълим-тарбия бериш, иш билан таъминлаш давр тақозоси.

Шу маънода, 32 нафар хунарманда 182 нафар шогирдини бириктириб қўйди.

Улар келажакда уста хунарманд бўлишлари, шундан моддий манфаат топишлари турган гап.

Бугун маҳаллаларимизда эзгулик уруғи сепилган ишлар, ташаббуслар илгари суриляпти.

Аслида, ўзбек маҳалласининг ўзига хослиги ютуқлари ҳам мана шунда.

Рустам ҚУТЛИМУРОВА, Хоразм вилояти «Маҳалла» жамоғаси раиси.

Маҳалла

вишларига шерик бўлиш, адашганларни тўғри йўлга солиш, ёрдамга муҳтожларга моддий қўмақлаштириш бугун, айнан Истиқлол йиллари яқини аёнлаштиради.

Биргина мисол. Хоразм вилоятида 675 та маҳаллада йил бошидан бери вилоятдаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яққа-ёлғиз қарияларга 34 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган оилаларга 21 та қорамол туҳфа этилди. 4 нафар талабанинг ўқишига қўмақлаштириш мақсадида 1 млн. 568 минг сўм шартнома пули тўлаб берилди.

Қолевера, 500 та камҳарж оила хонадонини, қариялар уйи бепул таъмирланди.

4 нафар ёшнинг никоҳ тўйларини ҳрмийлик асосида ўтказилди.

Буллар ҳали ҳаммаси эмас.

Умуман, биз бу рақамларни бежиз келтириб ўтмадик.

Зотан, ҳар бир кишининг, ҳар бир оиланинг орақсидида маҳалласи, суяниги турибди, деганимиз бу.

Хоразм маҳаллаларида ёшлар масалалари барча тадбир уюштурувчиларнинг бош мавзуси.

Зотан, уларга яқин таълим-тарбия бериш, иш билан таъминлаш давр тақозоси.

Шу маънода, 32 нафар хунарманда 182 нафар шогирдини бириктириб қўйди.

Улар келажакда уста хунарманд бўлишлари, шундан моддий манфаат топишлари турган гап.

Бугун маҳаллаларимизда эзгулик уруғи сепилган ишлар, ташаббуслар илгари суриляпти.

Аслида, ўзбек маҳалласининг ўзига хослиги ютуқлари ҳам мана шунда.

Рустам ҚУТЛИМУРОВА, Хоразм вилояти «Маҳалла» жамоғаси раиси.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 24 декабрдаги 8890-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Нўғойқўрғон қишлоғида жойлашган, майдони 530,70 кв.м. бўлган, 2 қаватдан иборат умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси тақроран қўйилмоқда.

Жорий бошланғич баҳоси — 137 386 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 23 сентябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг АТ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

«Энг намунали ёш оила» «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Энг намунали ёш оила» танловини ўтказди.

Танлов Унда иштирок этган эллика яқин хонадон соҳиблари ўзларининг юксак турмуш маданияти, оилавий бизнесни йўлга қўйиш борасидаги тажрибаларини намойиш этишди.

Тадбиркорлик борасидаги иқтисодини ишга солиб, моддий имкониятларини яхшилаб олган ва танлов шартларини бажариш жараёнида бу юмшнинг ўзига хос кирраларини очиб берган уйчилик Мирзаевлар хонадонини «Энг намунали ёш оила» макромига сазовор бўлди.

Наманган туманидан Тўрабоев, Чортоқдан Боймирзаевлар оиласи ҳам совринли ўринларни қўлга киритишди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Официальный дистрибьютор

предлагает со склада в г. Ташкенте котлы чугунные отопительные «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04 Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка №127 zakamsk-group@mail.ru

21 июлдаги 3619-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Марказий машина трактор парки» ДАЖга қарашли бўлган, Урганч тумани «Ж. Мангуберди» дехон фермерлар уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 1902,35 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 691,4 кв.метрни, ташкил қилган маъмурий бино ва омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 67 980 000 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБ Хоразм вилояти филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТБ «Ипотекабанк» «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Ушбу мазмундаги хабарнома «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 3 сентябрдаги 71-сонидида эълон қилинган.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: 226-43-64. Лицензия: DB 001 № 000004.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚКАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда.



Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказиши, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

Table with columns for location, phone numbers, and cable types. Includes entries for 'Шаҳарлараро алоқа корхонаси' филиали, 'Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили', and 'ШМАТБ манзили'.

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устуналарини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлаш ишларини олиб бориш;
кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиб, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
турли хил қичқиндилар ташлаш, қисилта, туз ва илҳор эритмаларини тўкиш;
магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНДИ!

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН. «Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

ООО "CHIRCHIQ TEPLO SISTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHS ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ Табиий газ, суяқ ва қаттиқ ёқилги билан ишлайди

Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259. Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87. E-mail: chts.uz@mail.ru

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари кафедраси доценти Абдусалом Абдуразақовга волидаси

МАНЛУДА аялиниг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Ўзтрансаноат» Республика уюшмасининг «O'ZTRANSLING» лизинг компанияси жамоаси бош ҳисобчи Манлуذا Абдуллаевага волидан муҳтарамаси

ХОНИДА аялиниг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2008 йил 19 сентябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган тақрорий очиқ аукцион савдосига кўйидаги мулклар қайтадан қўйилмоқда:

I. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023Н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм автотўй» томонидан қўйилган пудрат таъмирлаш-маъхус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш маъхус йўл хўжалиги қарашли бўлган қўйидаги мулклар:

1. Урганч шаҳри, Бинокор кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.метрни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типидида қурилган, 2 қаватли тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 527 761 524 сўм. 2. Урганч — Хива йўлининг 1-километрида жойлашган, 2 қаватли, 3 қорпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи хўжалиқлар мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 325 762 146 сўм. II. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Тўямўйин — Урганч» томонидан қўйилган сув қуварларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14296,65 кв.метрни, умумий қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.метрни ташкил қилган, 3 қаватли маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолар. Бинода электр энергияси, газ таъминоти, иситиш тизими, водопровод ва канализация хизмат турлари мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 203 134 400 сўм. III. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабай» фермер хўжалигига қарашли бўлган, Урганч туманининг Беғовот қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 2394,16 кв.метрни ташкил қилган чорва фермаси бино ва иншоотлари.


Бошланғич баҳоси — 62 358 480 сўм. IV. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 370-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» очиқ ақциядорлик жамиятига қарашли бўлган ва Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган қўйидаги мулклар:

1. «Магнум-8940» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-73 ЕН бўлган, техник саз ҳолатдаги трактор. Бошланғич баҳоси — 77 248 000 сўм. 2. «Магнум-8940» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-74 ЕН бўлган, техник саз ҳолатдаги трактор. Бошланғич баҳоси — 78 240 000 сўм.

Шунингдек, 2008 йил 7 октябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига кўйидаги мулклар қўйилмоқда: Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

# ФАРЗАНДЛАРИ ПАҲЛАВОН ЮРТ



Кўча ва ҳамisha навқирон Шахрисабз бир неча кун кураш олимпиадасига айланган. Маҳобатли "Оқсарой" мазмунли ёдгорлигига ҳайрат билан боқатган, Буюк соҳибқирон Амир Темур хайкали пойига гул қўётган азамат паҳлавонларни кўраганда ҳеч ким ажабланмади. Чунки Шахрисабз ахли Амир Темур хотирасига бағишланган V аънавий халқаро турнирни оралиқ кутаётган, унга астойдил ҳозирлик кўрган эди.

радан чиқариб юборди. Бирин-кетин венгриялик Герго Урбан, поляшалик Януш Симоуски, россиялик Николай Максимов, Буюк Британия вакили Даррен

дзюдо бўйича Пекин Олимпиадасининг кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев ва корейск полвони ўртасида кенди. Дастлабки дақиқаларданок кучлар тенг эмаслиги маълум бўлди. Тажрибали Абдулла полвон рақибига ҳеч қандай имконият бермади. У шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Голиб ва совриндорларга олтин, кумуш ва бронза медаллари топширилиб, ўзбекиона одат бўйича зарбфот тўн кийгизилди.

— Кураш билан бир йилдан бери шуғулланаяпман, унинг қонун-қоидалари менга ёқиб қолди, — дейди кумуш медал совриндори, 19 ёшли Чул Сунг Баег биз билан суҳбатда. — Кучинг бўлса, енгсан. Спортчиға жароҳат берадиган гирмон усулларга йўл қўйилмайди. "Елбош", "Чала", "Халол", "Танбек" сўзлари менга ёд бўлиб кетди. Мен бундан бун кураш билан янада кўпроқ шуғулланадман, келажақда голиб бўлиш учун ҳаракат қиламан.

Кураш фахрийси, жаҳон чемпиони Абдурашид Мирзаев турнир голиби Абдулла Тангриевни табриқлар экан, дил сўзларидан шундай ифода этди: "Курашимизнинг дунёдаги обрў-эътибори ошгандан ошаверсин. Ўзбек кураш мактабининг мактеби ҳеч қачон йўқолмасин. Унинг Абдулладей полвонлари ҳамisha элнинг ардоғида бўлсин. Амир Темур бобомиз зафарли юришлардан сўнг юрта ош бериб, албатта, кураш ташкил қилган экан. Шу аънави давом эттиравётган элнинг ўрмонлари паҳлавон бўлсин".

Бу табрик, бу дуоға катта кураш даврасига тушганлар ҳам, томоша қилиб турганлар ҳам қўшилган бўлса, ажаб эмас.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.



Гудвай, франциялик Давид Херан, хиндистонлик Анил Кумар, гонконглик Хинг Ка Ман, ироқлик Гутаба Монаҳ каби номдор полвонлар ҳам гиламини тарқ эттиди. Ўртадошларимиздан Шўхрат Муродов, Уткир Курбанов яхши курашдилар, лекин чорак финалда мағлубиятга уч...



Хасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

рашди. Кўпчилик бразилиялик Валтер Дос Сантосни совринли ўринга асосий даъвогар ҳисоблаган эди. Дастлабки учрашувлари соф галаба билан яқунлаган бўлса-да, шу босқичда омад ўндан ҳам юз ўғирди. Унинг курагини ерга текизган эронлик Сайид Хисрави Нежад эса ярим финалда Жанубий Корея вакили Чул Сунг Баегдан мағлубиятга учради. Бош соврин учун беллашув ярим финалда ҳамюрти Икром Нуруллаевни мағлуб этган кураш бўйича жаҳон чемпиони,

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг қадимдан мавжуд шаҳарлари тарихини ўрганиш фанимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Жумладан, Тошкент шаҳри бугунги кунда ўзининг 2200 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Мазкур санани нишонлаш юзасидан Ўртадошимизнинг 2008 йил 2 апрелда имзолаган қарори бу шаҳарнинг дунё назаридаги салмоғини янада оширишда беқиёс аҳамиятга эга.



Мана, бир неча йилдирки, Темирийлар тарихи давлат музейи Тошкент шаҳри тарихида муҳим ўрин тутувчи, қадимда Банокат, Амир Темур замонида Шохруҳия деб номланган шаҳар харобаларида ЎзФА Археология институти билан ҳамкорликда тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Тадқиқотлар натижасида олинган сўнгги маълумотлар ва тўпланган археологик ашёлар асосида музей экспозицияси бойиб бормоқда. Музейда "Шохруҳия" номи кўрғазма ташкил этилган. Шунингдек, Тошкентдаги кўрғазмалар галереясида "Тошкент — 2200 йил" шори остида 2008 йил 22-24 майда ташкил этилган музейлар фестивалида республикамиздаги йирик музейлар қаторида Темирийлар тарихи давлат музейи ҳам "Шохруҳия — қалъа-шаҳар" мавзусидаги кўрғазма билан иш-тироқ этди. Ютуқларимиздан яна бири — Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари томонидан "Тарих кўзгуси" руқни остида тайёрланган, Шохруҳия ёдгорлиги ва ундаги топилмалардан намойиш этувчи икки қисмдан иборат ҳужжатли фильм ҳам Тошкентнинг 2200 йиллик тўйига камтарона совға бўлди.

XV аср тарихчиси Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асариде "Қадимги Шохруҳияни Фанокат дейишаркан. Шаҳар Чингизхон лашкарларининг ҳужумидан шунчалик хароб бўлдики, унда ободончиликдан асар ҳам қолмади. Симчон йили, яъни ҳижрий етти юз тўқсон тўртинчи (милодий 1392) йили соҳибқирон уни обод қилишга буюрди... Атрофини мустаҳкам кўрган қилиб кўтардилар. Ул теваарак-атрофдаги аҳолининг барчасини у ерга кўчирдилар. Подшоҳлик ҳиммати уни саодатли шаҳзода Шохруҳга атаганлиги сабабли "Шохруҳия" деган ном билан машҳур бўлди", деб ёзган эди.

Хунариданчилик йўналишида, айниқса, шисасозларнинг маҳсулотлари диққатга сазовордир. Уларнинг маҳалласи Сирдарё ёқалаб 2 гектарча майдонни эгаллаган. Қазув ишлари пайтида шиша пиширишда фойдаланилган тўғри бурчлики кичик хумдончалар ўрни аниқланди. Улар-

дан турли-туман кўринишдаги ноэик дид билан ишланган шиша буюмлар парчалари, хом ашёлар топилган. Шахристон этагида, шунингдек, кулларнинг X-XIII асрларга оид манзилгоҳлари ҳам аниқланиб, жумладан, куллик дастгоҳларини ўрнатишга мослаштирилган жойлардан турли кўринишдаги хумдонлар, ҳар хил шаклдаги сопол идишлар чиқиндилари, ёдгорликнинг работ қисмидан эса заргарлик устаконалари топилган. Топилмалар ичида, айниқса, бозор майдонидан Валий воситачилигида Мирзо Улугбекнинг набираси Мухаммад Жўки билан Мироншоҳ Мирзонинг набираси Абу Саид Мирзо ўртасидаги сулҳ Шохруҳияда имзолангани шаҳар мактебини янада оширган. Айтиш жоизки, ушбу ёдгорликни ўрганиш бўйича тадқиқотлар изчил давом этмоқда. Жумладан, қалъа мудофаа девори ва унинг буржлари харобаларида ўтказилган қазилма ишлари натижасида қизиқарли маълумотлар қўлга киритилди. Келажақда бу ёдгорликдаги

# ШОҲРУҲИЯ — СИР-АСРОР ШАҲРИ

Амир Темур асос солган бу қалъа-шаҳар ундан кейинги тарихий давларда юз берган ўзаро урушлар натижасида харобага айланган. Шаҳар харобалари Тошкент вилоятидаги Оққўрган туманида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ҳозир-

## Тарихингдир минг асрлар...

ердаги ривожланиши бир ярим асрга тўхтатган. Амир Темур даврига келиб шаҳар қайта тикланиб, соҳибқироннинг кенжа ўғли Шохруҳ номи билан Шохруҳия деб аталган. Шаҳар ўзининг узоқ йиллик тарихида турли-туман ҳодисалар ва тарихий воқеаларга бойлиги билан машҳурдир. XV-XIX асрларда яратилган тарихий асарларда унинг номи Тошкент, Сайрам, Туркистон каби шаҳарлар қаторида тилга олинган. Бу дийрда темирий шаҳзодалар, Хожа Ахрор Валий каби дин уламолари кўп мартаба бўлишган. XV-XVI асрларда тарихчи хизматлари беқиёсдир. Улар археологик ашёлар асосида шаҳар IX-XIII асрларда анча ривож топганлигини аниқлашган. Бу даврларда шахристон атрофида кенг работ ташкил топди. У ер аҳоли истикомат қилган гавжум маҳаллар, хунариданчилик устаконалари, бозор майдончаларидан иборат бўлган. Хунариданчилик йўналишида, айниқса, шисасозларнинг маҳсулотлари диққатга сазовордир. Уларнинг маҳалласи Сирдарё ёқалаб 2 гектарча майдонни эгаллаган. Қазув ишлари пайтида шиша пиширишда фойдаланилган тўғри бурчлики кичик хумдончалар ўрни аниқланди. Улар-

Тошкент вилояти тарихининг қадимий давларидан, айниқса, Амир Темур ва темирийлар давридан бизгача яхлит сақланиб келаётган, республикамизда ягона, лекин хозирда Сирдарё сувининг таъсирида емирилиб бораётган ёдгорлики асраб қолиш ва яхлит ҳолда илмий ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**  
Темирийлар тарихи давлат музейи раҳбари.  
**Ҳ. АЛИМОВ,**  
музейнинг етакчи илмий ходими.

Спорт • Sport • Спорт

**skywin**  
Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco.  
100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14.  
Тел./факс (+998 71) 140-04-24,  
tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz

**Зимний сад**  
Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco:  
- архитектура и дизайн из стекла и солнечного света;  
- высококачественные долговечные материалы;  
- оптимальная вентиляция и теплоизоляция.  
Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.  
**SCHÜCO**  
Поставка продукции только под заказ.

**Kichik biznes — yuksak g'urur!**  
**«TADBIRKOR» TARIF REJASI**

Barcha kirish qo'ng'iroqlari	\$0
Chiqish qo'ng'iroqlari (Bir daqiqa narxi)	
Guruh ichidagi	\$0
Tarmoq ichidagi	\$0.02
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
SMS (chiqish SMS narxi)	
Tarmoq ichida	\$0.01
O'zbekiston bo'yicha	\$0.02
Oylik abonent to'lovi	\$4

Agar siz yuridik shaxs: ( korxonа yoki kompaniya ishchisi yoki rahbari, shuningdek, xususiy tadbirkor yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga binoan ro'yxatdan o'tgan shaxsiy kompaniya egasi bo'lsangiz, bizning korporativ mijozimiz bo'lishingiz mumkin.

**cell**  
YANADA KO'PROG'INI KUTING

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
[ ] -Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ТСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов.  
Навбатчи — Қ. Хидиров.  
Мусахҳаҳ — Ҳ. Тошқўлаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.35 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 7